

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

КУВАТОВА НОЗИМА БАХТИЁРОВА

**КОНТЕКСТЛИ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ
ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК
ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Куватова Нозима Бахтиёровна

Контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини
тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш3

Куватова Нозима Бахтиёровна

Совершенствование дидактического обеспечения подготовки будущих
педагогов профессионального образования в контекстно-образовательной
среде23

Kuvatova Nozima Baxtiyorovna

Improving didactic tools for training of future teachers of vocational education in
the contextual educational environment45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

КУВАТОВА НОЗИМА БАХТИЁРОВА

**КОНТЕКСТЛИ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ
ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК
ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2021.1.PhD/Ped2352 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.iipro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Химматалиев Дўстназар Омонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонент

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Маматов Дилмурод Нормуродович,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17, факс: (99871) 246-90-37, E-mail: pedagogikinnovasiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй.Тел.: (99871)246- 92-17, факс: (99871)246-90-37).

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ кун тарқатилди.
(2023 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.Х. Джўраев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., академик

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., проф.

Х.Ш.Қодиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси,
п.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё ҳамжамиятининг илмий-техник тараққиёти, таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги улкан ислоҳотлар, илмий-техник ахборотлар тизимининг тезкор ривожланиши ва такомиллашуви таълим мазмунига контекстли таълимни татбиқ этиш билан ифодаланади. Таълим дастурларининг сифат жиҳатидан янгилашни шароитида ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини жорий этиш контекстли таълим асосида ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усуллари комплекс қўллаш ҳамда дидактик воситаларнинг интегратив имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади. UNESCO-UNEVOC Халқаро техник ва касб-ҳунар таълими таълимни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бу борада UNESCO томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»га алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Сорбон декларацияси (Sorbonne Declaration) ва касбий малакалар тўғрисидаги Лиссабон Конвенциялари касбий компетентлиги юқори кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда таълим тараққиётининг замонавий босқичи глобаллашув ва халқаролашувининг жадаллиги, фаол ҳамкорлик, интеграциялашувнинг барқарорлиги билан белгиланади. Олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳитида тайёрлашнинг дидактик таъминотини мазмунан ривожлантириш, мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш модели контекстли таълимнинг семиотик, имитацион, ижтимоий моделларини ишлаб чиқиш ҳамда умумкасбий фанларни ўқитишнинг мажмуавий тузилмаси компонентларини узвийлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини мустақил-ўқув, квазипрофессионал ва амалий фаолият каби касбий ва таълим фаолияти интеграциясини таъминлаш ҳамда дидактик таъминотини ривожлантириш, шу билан бирга, контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим ўқитувчилари амалий - касбий компетентлигининг такомиллаштирилган даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш методларини умумлаштириш асосида профессионал таълим мутахассисларини тайёрлаш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “Касбий таълим билан тизимли равишда шуғулланиш масалаларини тўлиқ равишда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ўтказиш, касбга ўқитиш кўламини 2 баробарга ошириш, жами 1

миллион нафар ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш”¹ устувор вазифалар этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Бу эса олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда контекстли таълимни амалга ошириш технологияларини ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги”ги 466-сонли қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда профессионал таълимни ривожланиш жараёни ва тенденциялари, мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш, бўлажак мутахассислар касбий фаолиятининг ахборот-дастурий таъминотини такомиллаштириш муаммолари Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабаев, С.Ю.Ашурова, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, А.А.Абдуқодиров, Ш.С.Шарипов, О.Х.Тўрақулов, Ж.А.Ҳамидов, О.А.Қуйсинов, Д.О.Химматалиев,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2022. Б.39.

О.А.Абдуқудусов, Х.Ш.Кадиров ва бошқа педагог олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Таълим жараёнида контекстли таълимни ривожлантириш борасида МДХ ва хориж олимларидан Г.А.Альджанова, Н.П.Хомякова, М.А.Шмонова, А.А.Вербицкий, И.А.Жукова, А.А.Никитин, Л.Ф.Нугуманова, Л.А.Сергеевна, В.А.Далингер, В.И.Данильчук, О.М.Мясникова, М.М.Бахтин, С.Л.Рубинштейн, Н.С.Пурешева, А. Osika, J.Jacinta, Max Lüscher ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Олимлардан Б.Р.Муқимов, Ж.А.Хамидов, Э.М.Муртазаев, Ж.Р.Турматов, В.Е.Пешкова, И.И.Прокопьевлар дидактик таъминотни такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланганлар.

Олиб борилган таҳлил натижалари бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳотида тайёрлашнинг дидактик таъминотини етарли даражада такомиллаштириш зарурати мавжудлигини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги Тадқиқот иши ҳимояси Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг “Ёшлар ва хотин қизларнинг тадбиркорлик саводхонлигини ошириш ва ўз ўзини бандлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон маълумотлар базасини (onlayn veb-portal) яратиш” (2021-2023йй.) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади контекстли таълим муҳотида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг дидактик таъминотини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларни контекстли таълим муҳотида тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда ўқитишнинг методик тизимини мазмунан ривожлантириш;

контекстли таълим муҳотида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг ташкилий-функционал дидактик тизим моделига асосланган методик моделини ишлаб чиқиш;

контекстли таълим муҳотида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчилари тайёргарлигининг амалий – касбий компетентлилик даражасини баҳолаш мезонлари, тузилмаси ва методлари асосида аниқлаш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳотида тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, кузатиш, суҳбат); педагогик тажриба-синов натижаларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳитида квазипрофессионал, мустақил ўқув ва амалий-профессионал фаолият узвийлигини таъминлашга қаратилган дидактик таъминоти мазмуни такомиллаштирилган;

олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш модели контекстли таълимнинг семиотик, имитацион, ижтимоий моделларига мустаҳкамлик, моделлаштириш, мотивационлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

контекстли таълим муҳитида co-creation value ва co-production тамойилларига мувофиқ бўлажак профессионал таълим мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси (R.E.A.A.T., Assisment, Problem-based projects) мустақил-ўқув, квазипрофессионал ҳамда амалий фаолият интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида касбий компетентликининг шаклланганлик даражаси когнитив фаоллик ва квазипрофессионал муҳим сифат кўрсаткичларининг вазний коэффициентларини аниқлаш орқали микдорий ва сифатий баҳолаш мезонлари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Қарши ҳамда Самарқанд филиалларида “Таълимга кириш” фанини ўқитиш жараёнида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларни контекстли таълим муҳитида касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув-методик мажмуа такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган;

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Қарши ҳамда Самарқанд филиалларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларини оширишга қаратилган «Таълимга кириш» фанидан услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

Олий таълимда бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳитида ўқув фаолиятини ташкил этишга тайёргарлигини баҳолаш ва ривожлантиришга қаратилган электрон дарслик яратилган. Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали касбий фаолиятини ташкил этиш

моделі R.E.A.A.T. технологиясини қўллаш орқали такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, тизимли таҳлил усуллари, натижаларининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ўтказилган тадқиқотнинг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” йўналиши талабаларини педагогик касбий фаолиятга тайёрлашда контекстли таълим методлари ва технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, контекстли таълимдан фойдаланиб дидактик маҳсулотлар яратиш методикасини такомиллаштирилганлиги ва таълим жараёнига татбиқ этилганлиги, педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаларини ҳамда тажриба-синов ишлари натижаларини қайта ишлашда контекстли таълим технологиясидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳитида касбий педагогик фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилганлиги, “ўқитувчи ва талаба ҳамкорлиги” тамойилига асосланган “Таълимга кириш” фанидан услубий қўлланма ишлаб чиқилганлиги, ушбу фан дастури R.E.A.A.T. технологияси асосида такомиллаштирилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини педагогик касбий фаолиятга бўлган қизиқишларини, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ҳамда жамиятга юқори малакали кадрлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Контекстли таълим муҳитида талабаларни тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳитида тайёрлашнинг дидактик таъминоти мазмуни мустақил ўқув, квазипрофессионал ва амалий-профессионал фаолият узвийлигида ташкилий-педагогик, психологик педагогик ва дидактик каби педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш асосида ривожлантиришга доир таклифлардан “Таълимга кириш” фанидан олий таълим талабалари учун услубий қўлланма ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 20 сентябрдаги 89.05.80-сонли маълумотнома). Натижада ишлаб чиқилган услубий қўлланма талабаларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришга хизмат қилган;

олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш моделидаги контекстли таълимнинг семиотик, имитацион, ижтимоий моделларини мустахкамлик, моделлаштириш, мотивационлик тамойиллари асосида ишлаб чиқиш ҳамда умумкасбий фанларни ўқитишнинг мажмуавий тузилмаси компонентларини узвийлаштириш натижасида такомиллаштиришга доир берилган тавсияларидан Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ПЛ-40210489-сонли “Ёшлар ва хотин қизларнинг тадбиркорлик саводхонлигини ошириш ва ўзўзини бандлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон маълумотлар базасини (onlayn veb-portal) яратиш” инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 20 сентябрдаги 89.05.80-сонли маълумотнома). Натижада ишлаб чиқилган модел бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилган;

контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш, дидактик таъминотини ривожлантириш, амалий – касбий компетентлигининг такомиллаштирилган даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш методларини умумлаштириш бўйича берилган таклифлардан “Педагогик маҳорат” фани ўқув дастури асосида электрон дарслик ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 20 сентябрдаги 89.05.80-сонли маълумотнома). Натижада ушбу фандан талабаларнинг ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллай олишини ривожлантиришга ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошишига эришилган.

олий таълим тизимида профессионал таълим талабаларининг касбий фаолиятида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган таклифлар асосидаги “Pedagogical competence” ўқув қўлланма олий таълимнинг бакалавр талабалари учун ўқув жараёнига татбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 20 сентябрдаги 89.05.80-сонли маълумотнома). Натижада олий таълим талабаларининг касбий фаолиятга тайёргарлиги ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, 1 та электрон қўлланма, фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (3 та республика ва 5 та хорижий журналда) чоп этирилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг № 15132-сонли муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини контекстли таълим муҳитида тайёрлашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларни контекстли таълим муҳитида тайёрлаш орқали касбий фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий-педагогик зарурияти ва муқобил йўллари ёритиб берилган.

Бугунги кунда жамиятнинг олдида қўйган мақсадларидан келиб чиқиб, олий таълим сифатини баҳолаш ва уни бошқаришда жаҳон талабларига мувофиқ бўлажак мутахассисларни тайёрлаш, ўқув жараёнини олиб боришда замонавий АКТ воситаларидан фойдаланиш ҳамда таълим жараёнида талабаларга берилаётган мавзуларни тўлалигича ўзлаштиришга йўналтирилган инновацион, креатив таълим метод ва технологияларидан фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамиз ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан айнан контекстли таълим муҳитида касбий фаолиятни ривожлантиришнинг фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи назардан кўп қиррали хусусиятлари тавсифи бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.

Г.А.Альджанова лойиҳали-контекстли технология шароитларида бўлажак касб-ҳунар таълими ўқитувчисининг муҳим компетенцияларини шаклланиш жараёни, педагогик жараён, ўқув фанлари, мавзуларини педагогик жараён доирасидаги конкрет педагогик вазифалар яхлитлигини кўриб чиққан.

О.М.Мясникованинг фикрига кўра, контекстли вазифалар мазмунининг асосий бирлиги муаммо бўлиб, у ҳақиқий ҳаётда учраши мумкин, бундай вазифаларнинг контексти талабаларнинг мавжуд билимларидан фойдаланиш, янгиларини ўзлаштириш ва олинган натижаларни шарҳлашга ёрдам бериш учун шарт-шароитларни таъминлашга мўлжалланган.

Шу билан бирга, касбий тайёрлаш муаммоларининг назарий таҳлили, шуни кўрсатдики, касбий тайёргарликни таъминлайдиган таълим жараёнини моделлаштириш, касбий фаолиятга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш

ва реал таълим жараёнида жорий этишга замин яратади ҳамда таълим муҳитини яратишда муҳим омил ҳисобланади.

И.А.Жукованинг тадқиқот ишларида контекстли таълимдан фойдаланган ҳолда бўлажак юристларни педагогик назария ва амалиётда замонавий таълим технологиялари ёрдамида касбий компетенциясини шакллантириш муаммосининг ривожланиш даражалари аниқланган.

Контекстли таълим (лотинча *contextus* – чамбарчас боғлиқлик, уйғунлик, ўзаро боғлиқлик) – касбий фаолиятнинг предмети ва ижтимоий мазмунининг динамик тарзда моделлаштирилган, шу билан талабанинг ўқув фаолиятини мутахассиснинг касбий фаолиятига айлантириш учун шарт-шароитларни таъминлайдиган таълим шакли.

Контекстли таълим назариясининг муаллифи А.А.Вербицкий ҳисобланади. Контекстли таълимнинг моҳияти бутун тизимни ўзлаштирилган касбий фаолият мазмунини фан, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий таълим шакллари, методлари ва (анъанавий ҳамда янги) воситалари ёрдамида илмий тилда кетма-кет моделлаштиришдир.

Intan Satriani контекстли таълимни ўрганиш ва ундан фойдаланиш афзалликларини, шунингдек, талабаларнинг кузатиши, суҳбатлари, хотираларини яхшиланишига тўхталиб ўтади.

Демак контекстли таълимнинг асосий мақсади талабанинг нафақат назарий маълумотни ўзлаштириши, балки амалиётда ундан фойдаланиши, яъни амалиётга татбиқ эта олишидир.

Контекстли таълим – бу олий таълимда фойдаланиш учун мўлжалланган, талабаларнинг касбий тайёргарлигига йўналтирилган ва касбий контекstdан тизимли фойдаланиш, ўқув жараёнини касбий фаолият элементлари билан босқичма-босқич тўлдириш орқали амалга ошириладиган фаол таълим шакли.

Бунда контекстли таълим талабаларни мазмунли, интерфаол ва ҳамкорликдаги фаолиятга жалб қилади, бу уларнинг ўз-ўзини тартибга солишига ёрдам беради. Бундан ташқари, ушбу ўқув тажрибалари талабалар ва уларнинг ўқув гуруҳлари ўртасида ўзаро ҳаркатланишига кўмаклашади. Талабаларнинг фикрлари ва нуқтаи назарлари, шунингдек, талабанинг ҳаётий контексти ва олдинги билимлари қадрланади. Мавзунини ўқитиш билан бир қаторда, ўқув предмети билан бошқа барча ўқув предметлари, маълумотлар ва уларга яратилган шароитлар, дарс ва талаба, билим ва ҳаёт ўртасида алоқаларни ўрнатишга доимий эътибор берилади. Талабалар янги маълумот ёки билимларни хотираси, тажрибаси ва олган билимларига асосланиб, қайта ишлашлари мумкин. Контекстли таълим ўқитиш ва ўрганиш фаолияти тажрибада кўринади бунда талабалар ўзлаштириш мазмуни билан бир қаторда ушбу ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини, унинг илмий, педагогик аҳамиятини таҳлил қиладилар.

Сўнгги йилларда талабаларга таълим масъулиятини ўз зиммаларига олиш имкониятини берадиган таълим стратегияларига қизиқиш ортиб бормоқда. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, олий таълим тизимида талаба ва ўқитувчи ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, *feed back* ни (тесқари

алоқа) тўғри йўлга қўйиш мақсадида жаҳон талабларига мос келувчи контекстли таълим муҳитини такомиллаштириш зарур. Бунда биз 2 та тамойилни:

- *co-creation value* тамойили (касбий фаолиятни ривожлантириш учун янгиликларни ўзлаштириш ва тадқиқ этиш тамойили)

- *co-production* тамойили (касбий фаолиятда ҳамкорликда янги ресурсларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тамойили) ни ўқув жараёнига татбиқ қилишимиз муҳим ҳисобланади.

Ф.Карейнинг таъкидлашича, бу модел доирасида талабаларни таълим жараёнига жалб қилиш фақат тизимли ва жараёнли қарорлар билан чекланмайди. Бу нафақат аудитория ичида, балки ундан ташқарида ҳам талабаларнинг таълимда фаол иштирок этиш маданиятини шакллантиришни ўз ичига олади.

Бугунги кунда олий таълим муассасасида “ўқитувчи ва талаба ҳамкорлиги” тамойили бўйича ўқитишни ташкил этиш учун “яхши тажрибалар” ва муваффақиятли институционал кейслар мавжуд.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш методикаси”** деб номланади. Тадқиқотимиз жараёнида контекстли таълимда қўлланилиши мумкин бўлган инновацион таълим технологиялари ва методлари тавсифлари баён этилади.

Контекстли таълимда таълим мазмуни вазифасининг асосий бирлиги унинг барча муаммоли ва ижтимоий ноаниқлиги ва номувофиқлигидаги муаммоли вазиятлардир. Муаммоли вазият – бу талабанинг топширикни бажариш зарурати ва унинг билимлари ва фаолият усуллари ёрдамида амалга ошириш.

Контекстли таълим билим, кўникма ва қобилиятлар талабанинг фаолияти йўналтирилиши керак бўлган мавзу сифатида эмас, балки мутахассис фаолиятининг вазифаларини ҳал қилиш воситаси сифатида берилишига йўналтирилган. Аниқроғи, контекстли таълим ўқитиш ва ишлашни турли хил фаолият турлари сифатида эмас, балки генезисда бир хил фаолият ривожланишининг икки босқичи сифатида кўриб чиқади. Бу контекстли таълим ва анъанавий таълим ўртасидаги туб фарқдир.


Контекстли таълимнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтирамиз: талабанинг ўқув фаолиятига шахсий қўшилишини психологик ва педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тамойили; талабаларнинг ўқув фаолиятида мутахассислар касбий фаолиятининг яхлит мазмуни, шакллари ва шарт-шароитларини изчил моделлаштириш; таълим мазмуни ва уни ўқув жараёнига жойлаштириш жараёни муаммолари; талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллариининг таълим мақсадлари ва мазмунига мувофиқлиги; ўқув жараёни субъектларининг биргаликдаги фаолияти, шахслараро ўзаро алоқаси ва диалогик алоқасининг етакчи роли (ўқитувчи ва талабалар, талабалар ўзаро); янги ва анъанавий педагогик технологияларнинг педагогик жиҳатдан асосли уйғунлиги; очиклик тамойили – бу контекстли турдаги ўқув жараёнида ўқитиш ва тарбиялашнинг аниқ мақсадларига

эришиш учун бошқа назариялар ва ёндашувлар доирасида таклиф қилинган ҳар қандай педагогик технологиялардан фойдаланиш; касбий шахсни ўқитиш ва тарбиялашнинг бирлиги.

Тадқиқотимиз жараёнида машғулотларни контекстли таълим муҳитида ташкил этишда R.E.A.C.T. технологиясини тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиқиб, R.E.A.A.T. технологиясига ўзгартирилди. Буни назарий машғулотнинг технологик харита босқичларига сингдирилди ва қуйидаги кетма-кетлик ишлаб чиқилди:

1 - босқич. Relating – мавзу юзасидан берилган муаммони тушунади ва педагогик, психологик ва технологик жиҳатдан таҳлил қилади. 2 - босқич. Experiencing – муаммо юзасидан келтирилиб чиқарилган омилларни амалиёт билан боғлаш. 3 - босқич. Applying ишлаб чиқилган ғояларни прототиплаштириш. 4 - босқич. Assessment - берилган муаммо контекстини баҳолаш учун тақдим этиш. 5 - босқич. Theory to practice – олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш.

Қуйида R.E.A.A.T. технологияси асосида бўлажак профессионал таълим талабаларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг таркибий тузилмасини келтирамыз(1-расм)



1-расм. R.E.A.A.T. технологияси асосида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш.

Тадқиқотимиз жараёнида контекстли таълимда қўлланилиши мумкин бўлган кўплаб инновацион таълим технологиялари ва методлари тавсифлари таҳлил қилинди. Биз танлаган таълим технологияси профессионал муаммоларни ечишга йўналтирилган бўлиши лозим, деган хулосага келдик. Яъни жаҳон давлатлари таълим муассасалари, жумладан, Огая штати университети, Боулинг Грин штати университети, Вашингтон университети кабиларда талабаларнинг контекстли таълим муҳитида таълим олиш шарт-шароитлари ҳамда уларни баҳолаш тамойиллари юзасидан етарлича тадқиқотлар ва лойиҳалар олиб борилган. Ҳозирги кунда контекстли таълим муҳитида R.E.A.A.T. технологиясидан фойдаланиш самарали натижаларни қайд этишда, талабаларнинг бўлажак профессионал фаолиятига тайёрлигини баҳолашда муҳим ўрин тутди.

Ўқув дастурлари контекстли таълим стратегияларига асосланиши ва таълимнинг бешта асосий шакли: муносабат, тажриба, қўллаш жараёни, ҳамкорлик ва ўтказишни рағбатлантириш учун тузилиши керак.

Тадқиқотимиз давомида талабалар контекстли таълимини ташкил этишнинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, таълимнинг шакл, метод, воситалари, баҳолаш мезонлари ҳамда даражаларини кўрсатган ҳолда тизимлаштирилган модел ишлаб чиқишни лозим топдик.

Модел учта мақсадли жараён ва натижавий қисмлардан таркиб топган (3-расм).

Моделда тақдим этилган диссертациянинг мазмун-моҳиятини изоҳловчи баъзи мураккаб тушунчалар тавсифларини келтиришни лозим топдик.

Мақсадли блок

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг фаолияти турлари мазмунидан келиб чиққанча у Контекстли таълим муҳитида бўлғуси профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришдан иборат. Бунда:

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг фаолиятли турлари:


Мустақил ўқув фаолияти – контекстли таълим жараёни асосида талабалар фаолиятининг электрон воситалари ёрдамида мустақил равишда билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш.

Квазипрофессионал фаолият асосида талабалар турли хил касбий муаммоларни ҳал этиши ва педагогик ўзаро алоқалар тизимини тўғри йўлга қўйиш, турли муаммоли вазиятларни мустақил ҳал қилишни ўрганадилар ва аниқ мақсадлар қўя оладиган, касбий фаолиятида мавжуд муаммолар ечимларини таклиф қила оладиган, мустақил фикрлай оладиган фаол мутахассис бўлиб етишадилар.

Квазипрофессионал фаолият тажриба ва келажакдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ муаммолар туфайли узлуксиз равишда ўқув жараёни билан параллел равишда амалга ошириладиган таълим ва касбий фаолият ўртасидаги боғлиқлик сифатида қаралади

Амалий-профессионал фаолият. Бўлажак ўқитувчиларда компетенцияларнинг шаклланиши ва уларни касбий фаолиятларида қўллаш олиши.

Контекстли таълимни ташкил этиш тамойилларидан co-creation value тамойили асосида Relating (муносабат), Experiencing (тажриба) қўлланилди co-production тамойилида Applying (қўллаш жараёни), Assessment (баҳолаш), Theory to practice (амалиётга татбиқ этиш) қўлланилди



3-расм. Контекстли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш модели.

Семиотик таълим моделлари матн билан ишлаш ва белгили маълумотларини қайта ишлашни ўз ичига олган вазифалар тизими, *имитацион* таълим моделларида ўқув топшириғи талабанинг белгили маълумотлар доирасидан четга чиқиши, уни келажакдаги касбий фаолияти билан боғлаши, билимлар, *ижтимоий* муаммони ҳал қилиш учун бундай биргаликда изланиш келажакда касбий муҳитдаги жамоавий иш тажрибаси тушунилади. Ушбу модел ишбоп ва ўқув ўйинларида, илмий тадқиқот ишларида, комплекс курс ва диплом лойиҳаларида амалга оширилади.

Бўлажак мутахассисларни контекстли таълим муҳитида ўқитиш ва уларни касбий фаолиятга тайёрлашда: муаммоли маърузалар, визуал маъруза, дебат семинар, касбий муаммолар таҳлили, имитацион, ролли ўйинлардан фойдаланилди. Ушбу методлар олий таълимда айнан контекстли таълим муҳитида талабаларни турли муаммоли вазиятларда муқобил ечимларни топишида қўлланилади. Воситалар сифатида тармоқ технологиялари, “Педагогик маҳорат” электрон дарсликдан фойдаланилди.

Таълим технологиялари R.E.A.A.T. технологияси, Assesment методи Problem-based projects технологиялари асосида “Таълимга кириш” фанидан маъруза дарслари жараёнларида қўлланилади.

Баҳолаш мезонлари сифатида *мотивацион қадриятли* – контекстли таълим муҳитида билимларни ўзлаштиришга нисбатан шахсий ва касбий эҳтиёжнинг мавжудлиги ҳамда муваффақиятга эришиш учун мотивация даражасининг юқорилиги билан белгиланади. *Когнитив фаолиятли* – алоҳида вазифани ҳал этишда ноанъанвий метод ва усулларни қўллаш. Мулоқот қилишнинг барча муқобил имкониятларини таҳлил қила олиш қобилияти. *Квазипрофессионал фаолият* – бу контекстли таълим шаклларида бири бўлиб, касбий фаолиятнинг маълум бир сегментини моделлаштиришни, ҳақиқий педагогик вазиятларни яратишни назарда тутди. Квазипрофессионал фаолиятга қўшилиш орқали талабалар турли хил касбий муаммоларни ҳал этиш ва педагогик ўзаро алоқалар тизимини тўғри йўлга қўйиш, турли муаммоли вазиятларни мустақил ҳал қилишни ўрганадилар. *Рефлексив* – ўз-ўзини бошқара олишига кўра, фаолияти ва ўзини таҳлил қилиш, баҳолаш; индивидуал мулоқот методини ижтимоий-касбий соҳадаги тажрибалар билан қиёсий баҳолаш; ижодий жараёнда рефлексия қила олиш қобилияти, ўз индивидуаллигининг ривожланиши, касбий фаолияти ва ҳулқидаги шахсий фазилат ҳамда камчиликларини аниқлай олиш қобилияти, касбий ривожланишда давом этиш имкониятларини аниқлаш, унга нисбатан ўз муносабатини бошқара олиш кўникмаси.

Барча билимлар фақат келажакдаги касбий фаолият контекстида ўрганилади. Турли хил ўқув технологияларининг умумий асоси бу касбий контекстдир. "Таълимга кириш" фани мазмуни даражасида биз контекстли таълим имкониятларини мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш манбаи сифатида кўриб чиқдик. Шу билан бирга, фанлараро узлуксизликнинг заруриятини таъкидлаш керак. Узлуксизлик бўлмаса контекстли таълим ўз мазмун-моҳиятини йўқотади. Контекстли таълим концепцияси турли соҳаларга йўналтирилган таълим муассасаларидаги касбий тайёргарликда самарали ҳисобланади.

Контекстли таълим муҳитини ташкил этишда бўлажак профессионал таълим мутахассисларини касбий компетентлигини ривожлантиришда юқорида келтирилган метод ва технологиялар (R.E.A.A.T., Assessment, Problem-based projects) дан фойдаланиш, олинган билим, кўникма ва малакаларни кенгайтиришга ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

“Контекстли таълим муҳитида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг таҳлили”деб номланган учинчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълимда контекстли таълим муҳитида касбий фаолиятни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш самарадорлиги, тажриба-синовнинг ташкил этилиши ва натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов майдонлари сифатида (2019-2022 ўқув йилларида) Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Қарши ва Самарқанд филиаллари танлаб олинди.Тажриба-синов ишларида Тошкент ахборот технологиялари университетидан 231 нафар, Қарши филиалидан 170 нафар, Самарқанд филиалидан 100 нафар – жами 501 нафар талабалар қатнашган. Бунда тажриба гуруҳларига 253 нафар, назорат гуруҳларига 248 нафар респондентлар бириктирилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда (2019-2022 ўқув йилларида) амалга оширилди: аниқлаш босқичи, шакллантирувчи босқич ва якунловчи босқич.

Тажриба-синов даврида қуйидаги методлардан фойдаланилди: анкета сўрови, тест,талабалар ва ўқитувчилар билан суҳбат қилиш, ўзлаштиришни таҳлил қилиш, ўқитувчиларнинг педагогик тажрибасини умумлаштириш ва шахсий тажриба маълумотларига статистик қайта ишлов бериш.

Аниқлаш ва тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тажриба-синов майдонлари аниқлаб олинди. Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Қарши ва Самарқанд филиалларининг жорий ҳолати аниқланди, ўқув-меъёрий ҳужжатлар таҳлил қилинди. Таълим жараёнида Олий таълим муассасалари талабаларининг контекстли таълим муҳитида касбий фаолиятини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий база, ўқув режа ва дастурлар намуналари таҳлил қилинди, фараз шакллантирилди.

Шакллантириш босқичида талабаларнинг таълим жараёнида контекстли таълим муҳитида касбий фаолиятни ривожлантиришни ташкил этиш модели асосида ишлаб чиқилган алгоритмик кўрсатмалар, контекстли ўқув топшириқлари ҳамда электрон таълим ресурсларини амалиётда синаб кўриш ва улардан қандай фойдаланилганлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва самарали амалга оширишда ташкилий, психологик-педагогик шарт-шароитлар синовдан ўтказилди, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таълим жараёнини такомиллаштириш йўналишлари, мазмуни ва моҳияти аниқланди.

Уларнинг ўзлаштириш даражасини аниқловчи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ва улар “Мотивацион қадриятли”, “Когнитив фаолиятли”, “Квазипрофессионаллик” ва “Рефлексив” мезонлари бўйича баҳоланди.

